


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

**ОЙБЕК ИЖОДИНИНГ
МАЊНАВИЙ-МАЊРИФИЙ АҲАМИЯТИ
ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАЊРУЗАЛАРИ ТЕЗИСЛАРИ**

Тошкент - 2005

83.3(54)



10

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, 2005.

*Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори*

ОЙБЕКНИНГ XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРАҚҚИЁТИ ТАРИХИДАГИ ЎРНИ

1. Ойбек адабиёт оламига кириб келган вақтда М. Беҳбудий, А. Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ҳамза сингари устоз ёзувчилар туфайли ўзбек адабиёти ва адабий тилининг янги тараққиёт даври бошланган эди. Шеъриятда бармоқ вазнининг етакчи вазнга айланиши, давр ва ҳалқ ҳаёти учун муҳим ижтимоий ҳамда маънавий масалаларнинг тасвир доирасига тортилиши, насрда эса реалистик ҳикоя, қисса ва роман жанрларининг пайдо бўлиши, драматургиянинг адабий тур сифатида ўзбек адабиётига кириб келиши шу устозларнинг ижодий меҳнати билан боғлиқ.

Ойбек, мазкур ёзувчилардан фарқли ўлароқ, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида қалам тебратга бошлади. XIX аср охири - XX аср бошларида майдонга келган ва ўзбек адабиётини янги тараққиёт босқичига олиб чиқсан жадид адабиёти шу даврда совет давлатининг тазиёки остида якунлана бошлаган, большевиклар давлати эса ўз мафкурасига мос бўлган сунъий адабиёт – йўқсиллар адабиётини яратиш чора ва тадбирларини кўраётган эди. Ойбек худди шу даврда адабиёт оламига кириб келди.

2. Ойбек адабиётдаги дастлабки машқларида, бир томондан, Чўлпон, иккинчи томондан, 20-йилларда ўзбек ёшлари ўртасида Чўлпон туфайли машҳур бўлган турк ҳурриятсевар шоирларига эргашди. Таҳсилни Ленинградда давом эттирган 1927-1929 йилларда эса замонавий рус адабиётининг А. Блок, В. Маяковский, В. Брюсов сингари намояндалари, улар орқали У. Уитмен, Э. Верхарн сингари гарб шоирларнинг ўзига хос ижоди билан танишиди. Улар таъсирида мансур шеърлар ёзди. Аммо бу жараён узоқча чўзилмади. Ойбекнинг 1936 йилда «Евгений Онегин» шеърий романини ўзбек тилига таржима қилиши ва А.С. Пушкин шеърияти билан яқиндан танишиши унинг шеърий ижодида табиат лирикасининг, кўнгил лирикасининг катта мавқе касб этишига боис бўлди.

3. 1940 йилда «Кутлуг қон» романи нашр этилгунига қадар Ойбек шоир сифатида машҳур бўлган. У 30-йилларда ёзган, хусусан,

«Чимён дафтари» туркумини ташкил эттан шеърлари билан ўзбек шеъриятига жаҳон лирик шеъриятининг энг яхши анъаналарини олиб кирди ва бу анъаналарни мумтоз ўзбек шоирларининг бой бадиий тажрибаси билан бойитди. Туйгу ва лирик кечинма Ойбек шеърларида лирик сюжетни ҳаракатга келтирувчи асосий омилга айланди. Туйгу ва лирик кечинма ҳаракатида Ойбек лирик қаҳрамонининг бой ва гўзал руҳий олами ўз тажассумини топди. Айни вақтда бу қаҳрамоннинг муайян тарихий макон ва замонда яшёттани яққол сезилиб турди. Шу маънода унинг лирик қаҳрамони нафакат Навоий ва Пушкин сингари буюк классиклар, балки замондош шоирларнинг лирик қаҳрамонларидан ҳам кескин фарқланди.

4. Ойбекнинг биринчи йирик лиро-эпик асари – «Дилбар – давр қизи» достони 1932 йилда ёзилган. Шу вақтдан бошлиб Ойбек кўплаб достонлар яратди. Ойбекнинг лиро-эпик жанрдаги асарларга ўтишига асос бўлган омиллардан бири шундаки, у нозик ҳис-туйгуларнинг бетакрор куйчиси бўлишига қарамай, поэтик тафсил (детал)дан мохирона фойдалана олувчи, ҳаётни майда-чўйда томонлари билан кузата ва тасвир эта олувчи санъаткор эди. Унинг ана шу фазилати ҳатто лирик шеърларида ҳам кўзга ташланиб туради. Ойбек ўзига замондош бўлган воқеликни ва шу воқелик яратган кишиларни «йирик план»да тасвирлаш, тарихий давр ва унинг кишилари образини яратиш мақсадида достон жанрида ҳам самарали ижод қилиб, ўндан зиёд асарлар яратди. Бу асарлар орасида достон жанрининг лирик достон («Навоий»), романтик достон («Бахтигул ва Соғиндиқ»), автобиографик достон («Бобом»), драматик достон («Маҳмуд Торобий»), эртак-достон («Гули ва Навоий»), достон-хроника («Даврим жароҳати») сингари турли кўринишлари мавжуд. Ойбек бу асарлари билан ўзбек шеъриятида достон жанрининг янги шакл ва навлар билан бойишига катта ҳисса қўшди.

5. 1937 йил... Ўзбек адабиётининг Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон сингари чинорларининг «халқ душмани» сифатида қатагон қилиниши, асарларининг эса ман этилиши билан замонавий ўзбек адабиётининг олтин фондига қулф солинди. Халқ «Ўтган кунлар» сингари севимли асарларни ўқиши имкониятидан маҳрум бўлди. Бунинг устига, Ойбек сингари ёзувчилар А. Қодирий ва Чўлпонларнинг «дум»и сифатида бадиий ижоддан четлаштирилди. Ойбек тарихнинг шундай нозик ва мураккаб бир палласида А. Қодирий ва Чўлпон бошлиб берган романнавислик анъаналарини давом эттириб,

«Кутлуг қон» романини яратди. Агар А. Қодирий биринчи ўзбек романини яратишида Шарқ романнавислик мактаби анъаналаридан фойдаланган бўлса, Ойбек нафақат А. Қодирий ва Чўлпон, балки Оноре де Бальзак, Виктор Гюго, Томас Манн каби Европа романнавислари тажрибасидан фойдаланган ҳолда ўзининг дастлабки романини ёэди. Ойбек бу асари билан А. Қодирий ва Чўлпоннинг романнавислик анъаналарини давом эттирибгина қолмай, бу мактабни янги бадиий изланишлари билан ҳам бойитди.

6. Ҳар бир миллий адабиётнинг ўзига хослиги аввало унинг миллийлиги билан белгиланади. «Ўтган кунлар» ҳам, «Кеча ва кундуз» ҳам миллий романлар эди. Ойбек романининг миллийлиги унда тасвиirlанган ҳаёт ҳақиқатининг, Йўлчи ва Гулнор сингари қаҳрамонларнинг, бадиий тасвиirlнинг, тилнинг миллийлигидадир. Шу билан бирга Ойбек романини ўқиганимизда, уни иктисадий муносабатларни, кишилик жамиятининг тараққиёт қонуниятларини, «Илоҳий комедия» туркумига кирган романларни яхши билган, асарини нафақат ўзбек китобхонлари, айни пайтда бошқа ҳалқлар ҳам ўқишини истаган ёзувчининг ёзгани аниқ сезилиб турди. У худди шу мақсадда бадиий-услубий изланишлар олиб борди.

7. Ойбек учун роман икки кишининг муҳаббатини тасвиirlовчи ишқий, ёки ишқий-қаҳрамонлик, ёки саргузашт асар эмас. У роман деганда аввало ҳалқ тарихининг муҳим саҳифаларини ўзида акс эттирувчи асарни назарда тутган. Шунинг учун ҳам у «Кутлуг қон»да фақат Йўлчи билан Гулнорни эмас, балки уларнинг баҳтсиз муҳаббати фонида шу муҳаббат гулларини хазон қилган тарихий-ижтимоий шароитни, ўзбек ҳалқининг Биринчи жаҳон уруши арафасидаги ҳаёти манзараларини ҳаққоний гавдалантирган. Тўғрироғи, Йўлчи ва Гулнор образлари ана шу тарихий фонда ҳаракат этадилар.

Ойбек кейинги романларида ҳам ҳалқининг тарихий тақдиди билан боғлиқ масалаларни тасвиirlади. Адиб «Навоий» романнада ўзбек ҳалқи тарихидаги энг муҳим воқеалардан бири – XV асрдаги миллий уйғонишни Алишер Навоий тақдиди орқали кўрсатиб берди. У мазкур романни билан ўзбек адабиётида тарихий-биографик роман жанрига тамал тошини кўйди.

Агар Ойбекнинг «Күёш қораймас» романнада ўзбек ҳалқининг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, «Олтин водийдан шабадалар» романнада эса урушдан кейинги қишлоқ ҳаётининг тикланиши тасвиirl этилганини эътиборга олсак, унинг роман жанри олдига қўйган

талаблари бир қадар равшанлашади. Эътиборли томони шундаки, бу асарларнинг ҳаммаси бош ёки иккинчи даражали қаҳрамонларнинг воқеалар майдонига кириб келиши ёки бу майдондан чиқиб кетиши билан бошланади ва кўпинча шундай қолиплаш усули билан тугайди. Адиб учун йўл нафақат у ёки бу қаҳрамоннинг, балки бутун бир халқнинг муайян тарихий вақт ва тарихий шароитдаги ҳаётини, фаолиятини, моҳиятини ифодаловчи образзидир. У ана шу образ орқали халқнинг тарихий жараёндаги тақдирини ёритишга интилган.

8. Ойбек олдида турган вазифалардан бири А.Қодирий ва Чўлпонлар туфайли шаклланган янги адабий ўзбек тилини янада бойитиш, унга янада сайқал бериш, уни янги жилолар билан товлантириш эди. У ўзбек адабиёти ва адабий тили олдидаги ана шу бурчини теран ҳис этиб, бир томондан, шеърий, иккинчи томондан, насрый ижодида ўзбек адабий тилини нафислаштириш, форсий ва арабий сўзлардан мумкин қадар оз фойдаланиш ва бу сўзлар ўрнига халқ оғзаки ижоди ва мумтоз ўзбек шеърияти хазинасидаги янги сўзларни олиб киришга интилди. Натижада Ойбек асарларининг тили ва услуби поэтиклиги, лириклиги, лўндалиги, образлилиги, тасвирий воситаларга бойлиги билан бошқа ёзувчилар тили ва услубидан фарқланди.

9. Адабиёт Ойбек учун инсон руҳини, унинг маънавий ва маърифий оламини поклаш, гўзаллаштириш, бойитишининг қудратли воситаси эди. У ана шу воситадан бутун ижодий умри давомида фоят самарали фойдаланди.

*Бахтиёр НАЗАРОВ,
академик*

ОЙБЕК ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

1. Ойбек ижоди XX асрда етарлича ўрганилмади, дейиш адолатсизлик бўлур эди. Ҳеч муболагасиз, Ойбек ўтган аср ўзбек адабиётидаги кенг ва атрофлича ўрганилган санъаткорлардан биридир. Лекин, айни вақтда, Ойбек шўро даври ёзувчиларимиз ичida, бир тарафдан, энг кўп ноҳақ танқид қилинган ва, иккинчи томондан, айрим ишларни ҳисобга олмаганда, бадиий санъаткорлигидан кўра (айниқса, шеъриятда) асарларининг ижтимоий моҳиятига кўпроқ эътибор берилган эди.

ХХ асрда Ойбек ижодини ўрганишда эришилган ютуқларни инкор этмаган ҳолда эндиғи вазифамиз бу буюк адид ижодини бадииятнинг ички қонуниятлари ва уларнинг наинки ташқи воқелик, балки, аввалимбор, муаллифнинг шахс сифатидаги ички дунёси ҳамда бу дунёни шакллантирган, унга таъсир кўрсатган омиллар билан узвийликда ўрганишга йўналтирилмоғи лозим. Бунинг учун методологиямизда жиддий ўзгаришларни амалга ошириш, бадииятни англаш, идрок этиш, ҳис қилишдаги мезонларимизни бойитиш ва жаҳон миқёсидаги илғор қарашларни янада чукурроқ ўрганишимиз зарур бўлади.

2. ХХ аср адабиётимиз, шу жумладан, Ойбек ижоди ўрганилган тадқиқотлар, мақолаларга эътибор берсак, уларда кўйилаётган масалалар, муаммолар, мавзулар доираси ниҳоятда мўл эканига гувоҳ бўламиз. Қаҳрамон, образ, характер, сюжет, композиция, конфликт, ҳаётий ҳақиқат ва бадиий тўқима... Борингки, яна шунга ўхшаш беш-ўнта масала. Тўғри, булар бадиий ижоднинг муҳим ва ўзак масалалари, бироқ, биз бадиият деган олам, унинг Инсон, Табиат, Ҳаёт билан алоқадор муаммо ва қон томирлари худди шу ҳаёт, Инсон ва табиатнинг ўзи каби чексиз, бой ва турфа ранг эканини ёддан чиқарамиз ёки эътибор бермаймиз.

Француз, инглиз, немисларнинг адабиёт илмига назар ташласак, Япония, Корея, Хитой танқидчилиги ва адабиётшунослигини кўздан кечирсак, улар аллақачон бадиий адабиёт ва унинг сир-сехри масаласига ана шундай – ниҳоятда кенг тармоқли муносабатда эканини кузатамиз. Улар ўзларининг дастлабки, бакалавр ёки магистрлик ишларидан бошлаб ана шундай йўналиш оладилар.

Бизга наинки янги – XXI аср тонгиди, балки, умуман, турмуш, ижод, тафаккур тарзимизнинг янгиланиш тонгларида яшаш насиб этган экан, Ойбек ижодини ўрганиш мисолида ўзбек адабиёти илмida янгича иқлиmlар яратишимиz, бу соҳада ҳам ўзимизнинг ўзбекона юзимизни кўрсата олиш муҳимдир.

3. Ўтган саксон йил давомида Ойбек ижодини турли даража ва турли босқичда ўрганар эканмиз, асосан, унинг асарлари доирасида гина туриб фикр юритдик. Бироз бадиийроқ қилиб айтсак, Ойбек боғига кириб у ер-бу ерини буташ ва чиройига маҳлиё бўлиш билан кифояландик. Ўз даври учун ва ҳозир ҳам бунинг ўз аҳамияти бор, албатта. Бироқ энди, бир жойда турмай, изланишимиз, олдинга қадам ташлашимиз керак.

Шундай қадамлардан бири Ойбек ижодини жаҳон адабиёти контекстида ўрганиш бўлиши мумкин. Шу вақтгача биз Ойбек ижоди хусусида бу масаланинг бир қиррасига, шундай бўлса ҳам, ниҳоятда юзакигина эътибор бериб келдик. Яъни, шоир ижодининг дастлабки босқичига Верхарн, Блоклар таъсири, «Кутлуг қон»ни ёзишда Бальзакдан ўргангани, эпик маҳоратига «Евгений Онегин»даги миқёс таъсири, Горький мактаби ва ҳоказо.

Ойбек шундай буюк санъаткорки, унинг соф лирик шеъриятини, «Кутлуг қон», «Навоий» сингари романларини, айрим достонларини жаҳон адабиёти контекстида ўрганиш, кенг, ҳалқаро миқёсда эътироф этилган асарлар билан қиёслаш ва бу сархил бадиий дунё ичида Ойбекнинг ўзига хосликларини очиш, шубҳасиз, ажойиб самаралар беради. Ойбек шеъриятидан биргина куртакдек мисол:

Дараҳтлар кўтармиш гул қадаҳчалар
Кўкламнинг, ҳаётнинг соғлиғи учун.

Ойбек ижодида бундай гул қадаҳчалар мўлдир. Улар жаҳондаги мана-мана деган шоирлар даврасидаги алёрларда ойбекона оҳангда жаранглай олади.

4. Ойбекнинг ўзини чуқурроқ ўрганмай туриб, унинг ижодини кўнгилдагидек ўрганиш қийин. Ойбекнинг барча асарлари яхшими, ёмонми, қаҳрамони ижобийми, салбийми, мураккабми, ёхуд, тарихими, тўқимами - қатъи назар, унинг яратганлари. Уларнинг барини ва борини сеҳрлаб, боғлаб турувчи ҳам Ойбек тафаккури, қалби, бир сўз билан айттанда, унинг дунёси экан, яралмиш дунёни яратувчи дунёнинг очқичи билангина очиш мумкин.

Ф.М. Достоевскийнинг вафоти муносабати билан ўтказилган хотира кечасида шоир А.Н. Майков айтган здики, «Мен учун доим муҳими, бу ёзувчининг ички дунёсидир». Ташки дунёнинг асмори мана шу ички дунёдан ўсиб чиқади, демоқчи бўлади у. Зеро, манфур қаҳрамон ҳам шу дунёдан ўсиб чиқади, яъни, муаллифнинг нафрат дунёсидан.

Демоқчимизки, Ойбек асарлари билан бир қаторда унинг ўзини, ички ва ташки дунёсини, муҳитини, ҳаёти ва қарашлари билан алоқадор ҳар бир заррани ўрганишимиз керак.

Бу йўналишда Ойбекни ўрганиш бўйича проф. Н.Ф. Каримов хайрли ишларни амалга ошириди. Унинг бу борадаги Чўлпон, Ҳамид

Олимжон, Усмон Носир ҳақидаги асарлари замонавий ўзбек адабиётida янги бир йўналишга асос солди.

Бироқ, булар дастлабки ишлардир. Ойбек шахси, қисмати, олами, толеи (биргина Зарифа Сайдносировани эсланг!) бунинг учун ноёб материаллар бера олади. Биздан излаш, топиш, ўрганиш, бу маънавий мулкни сўз ва илмда моддийлаштириш талаб этилади, холос.

«Ойбек 400 йилга тенг келадиган 40 йиллик ижодий фаолиятинг бир лаҳзасини ҳам самарасиз ўтказгани йўқ» деган фикрда жуда кўп маъно бор.

Чўлпон «янчиб» турилган бир пайтда бир мунча чекинса-да, тойса-да, унинг ҳимояси учун кўксини қалқон қилган Ойбек ҳаракати чинакам жасорат намунаси эди. Биргина шу жасорати учуноқ у адабиётимиз, маданиятимиз тарихида қолишга ҳақлидир.

Биз кўпинча Ойбек ижодини ҳамда ижоди билан алоқадор бўлган табиати, таржимаи ҳоли, ҳаёт йўлини ўрганиш билан кифояланамиз.

Ҳолбуки, айрим далилларга қараганда, Ойбек XX аср тарихи ва тақдирига таъсир кўрсата оладиган даражадаги буюк шахс эди. Буни, аввалимбор, адабнинг ўз ватандошларигина эмас, халқаро миқёсидаги, олис юртлардаги замондошлари ҳам эътироф этадилар.

XX асрнинг 60-йиллари аввалида тинчликни сақлаб қолиш борасида жаҳон маълум муддат танг аҳволда қолгани маълум. Шунда Халқаро Тинчликни ҳимоя қилиш комитети ҳам анча саросимага тушиб қолади ва жаҳон миқёсидаги энг нуфузли шахсларга мурожаат этиб, тинчликни сақлаб қолишга фаол бош қўшишга даъват этади, Иттифоқ миқёсидаги бир неча Шахсга мурожаат этилади. Шулардан бири Ойбек эди. Тинчликни ҳимоя қилиш комитетининг Америка Кўшма Штатлари томонидан аъзоси Полинг Ойбекка хат орқали мурожаат этади. Хатта «Ядро қуролининг тарқалишига йўл қўймаслик ҳақидаги мурожаат» илова қилинган ва Ойбекда даврнинг энг буюк сиймолари қаторида уни имзолаш сўралган эди.

Адабнинг Покистон сафари кўпчиликка маълум. Бу ҳақда гап борганда асосий йўналиш ёзувчининг сафар таассуроти остида тугилган асар (қисса, достон, очерк)ларига эътибор беришдан иборат бўлади ва бу, табиий, албатта.

Бироқ Ойбек Покистонга фақат мамлакат ёзувчилари уюшмаси анжуманида иштирок этиш ҳамда бу юрт халқининг ҳаёти билан

танишиш учунгина бормаган эди. Бу вақтда (1949) Покистонда собиқ Иттифоқнинг бирорта расмий идораси йўқ, элчихона ва консулликлар ҳам, дипломатик алоқалар ҳам мавжуд эмас эди. Ойбекнинг бу юртга юборилишида ёзувчилар анжуманида иштирок этиш, адаб сифатида ҳалқ ҳаёти билан танишишдан ташқари, икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ўрнатишга баҳоли қудрат ҳисса кўшиш, бу масъул вазифани адо этиш ҳам назарда тутилган эди.

Ойбек ҳаётида юқоридаги каби унинг буюк шахс эканини тасдиқловчи мисоллар оз эмас.

Ойбек шахсининг бундай қирраларини ҳам ўрганишга зътибор беришимиз зарур.

*Собир МИРВАЛИЕВ,
филология фанлари доктори*

ОЙБЕК – РОМАННАВИС

1. Ойбек қандай улкан ва улуг шоир бўлса, XX аср ўзбек миллий адабиёти тарихий тараққиётида, хусусан, романчилиги ривожида ҳам шундай салмоқли ўринга эгадир.

2. Адабнинг романнавис сифатидаги ижоди В. Зоҳидов, А. Қаюмов, М. Қўшжонов, Б. Назаров каби академиклар ҳамда Х. Ёкубов, Л. Қаюмов, Н. Каримов, С. Мамажонов, А. Кулжонов сингари адабиётшунослар томонидан етарли ўрганилган. Бироқ, истиқлол даври қарашлари ва тафаккури ана шу буюк санъаткор романларини қайта, янгидан баҳолашни тақазо этади. Бизнинг ушбу масалага оид хуолосаларимиз ҳам шу жиҳатдан фарқланиши мумкин.

3. Аслида, Ойбекнинг «Кутлуг қон», «Навоий», «Олтин водийдан шабадалар», «Куёпі қораймас», «Улуг йўл» каби романлари, қолаверса, «Нур қидириб», «Болалик» каби қиссалари ўзбек реалистик насрини камолотта етаклаган асарлар сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

4. Мазкур жараён эса ўз-ўзидан ва осон кечмади. Ойбек ўзининг «Қисқача таржимаи ҳолим» номли мақоласида қайд этишича, «... 30-йилларнинг ўрталарига келиб, студентлар ҳаётидан роман бошладим. Ўн-үн беш сахифа чамаси ёздим... аммо ёзиш қийин бўлди. Воқеалар, фикрлар кўп, барчасини қамраб, бир тартибга солиш, жонли образлар яратиш оғирлигини сездим... ҳаёт ва адабий тажри-

бамни кенгайтиришм кераклигини англаб, уни тамомламай қолдирдим» («Мукаммал асарлар түплеми», XIV, 14-бет).

5. Шундан сүнг Ойбек изланиш, ўрганиш сари дадил интилди. Аввало эпик образ ва эпик баён таъсирида миллый (халқ достонлари, ёзма достонлар) анъаналарни, рус ва жаҳон романчилиги тажрибаларини ўрганишга киришди. Ўзи қайд этишича, шу дамларда «икки иш устида тараффудуга тушиб қол»ади. Бири ҳам тарихий, ҳам замонавий мавзуларда «Ўч», «Темирчи Жўра», «Бахтигул ва Согиндиқ», «Дилбар – давр қизи» каби шеърий эпик достонлар яратиш бўлса, иккинчиси рус ва жаҳон адабиёти дурдоналаридан (Гётенинг «Фауст», Дантенинг «Илоҳий комедия», Байроннинг «Каин» асарларидан парчалар) таржималар эди. Айниқса, А.С.Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърий романи таржимаси бу борадаги адаб фаолиятининг асосига айланади. «Мен, - деб ёзди Ойбек кейинчалик, - таржима билан шуғуллана бориб, роман ёзишга аҳд қилдим». Ана шундай тинимсиз изланиш ва интилишлар самараси ўлароқ, 1938 йилга келиб, қисқа бир мuddатда унинг «Қутлуғ қон» деган етук эпик полотноси яратилди.

6. «Қутлуғ қон» адабнинг битмай қолган «Студентлар» номли романидан кейинги ҳаёт ва ижод тажрибалари шаклланган давр маҳсулни сифатида юзага келди. Адаб ёшлиқда кузатган, кўрган ва қозоқ даштларида кезган чоғларида уйғонган ва етилган фикр-туйғулар самараси эди. «Қутлуғ қон» романимни ёзиш учун материал йигиб ўтирамадим, роман учун материал кўнгилдан, хотирамдан қуишиб келаверди...». Албатта, мазкур романнинг юзага келишида қатор ижодий омиллар - манбалар катори Абдулла Қодирий яратган романларининг ҳам таъсири бўлган, десак, хато бўлмас. «Қутлуғ қон» бадиий мукаммаллигидан ташқари, маънавий ва маърифий жиҳатлари билан ҳам истиқлол даври мафкурасини бойитишга, сўзсиз, хизмат қиласи. Масалан: ҳозирги бозор иқтисодиёти даври муаммоларидан бўлган ер ва пул масаласи мазкур асарда юксак мақомда бадиий ифода этилганки, ҳар бир ҳунарманд, ҳар бир билармон, фермер ёки савдогар ҳеч бўлмаганида мазкур асардаги Мирзакаримбой ва Йўлчи диалогида олга сурилган гояларни ҳаётга татбиқ этса, фойдадан холи бўлмас. Хуллас, «Қутлуғ қон» романи билан ўзбек реалистик романчилиги тўла-тўқис шаклланди. Камолат сари йўл олди.

Ойбек яна замонавий мавзуда «Олтин водийдан шабадалар», ҳарбий мавзуда «Қуёш қораймас», тарихий-инқилобий мавзуда

«Улуг йўл» каби романларни ҳам яратди. Албатта, мазкур эпик асарларда ўтган аср мафкурасининг сояси қолган ўринлар йўқ эмас. Бундай ҳолда мазкур романлардан мафкуравий нуқсонлар излашдан кўра уларнинг шакл-шамойили, яратилиш тарихи, адебнинг бадиий маҳорати, ижодий тажрибасини ўрганиш сари бориш фойдалидир. Жумладан, адаб бу борада икки муҳим ижодий анъананинг кашфиётчиси сифатида намоён бўлади:

а) ҳар бир эпик полотони яратишдаги ўзига хослик. Яъни: Ойбек «Кутлуг қон», ёки «Навоий», ёки бошқа роман бўладими мазкур мавзуда энг аввало мақола ёки шеър, достон ёзиб, сўнг роман яратиш анъанасини яратди. Биргина «Нур қидириб» қиссасини олинг. Аввал «Покистон таассуротлари» номли туркум публицистик мақолалар, сўнг «Покистон дафтаридан» деган туркум шеърлар, сўнг эса «Зафар ва Заҳро», «Ҳақғўйлар» номли икки достон ёзиб, пировардида «Нур қидириб» қиссасини яратди. Худди шу анъана «Навоий» романида янада мукаммаллашган кўринишга эга. Бунда образ, гоя, характеристер, бадиий воситалар, яъни асар шакл-шамойили қадамбақадам мукаммаллашиб бориши таъминланади.

б) Асарнинг номланиши: масалан: «Кутлуг қон», «Куёш қораймас»... Айни чорда бош қаҳрамонларга берилган исм (Йўлчи, Бектемир, Ўқтам, Комила ва ҳ.к.) ҳам асарнинг гоявий-фалсафий ва эстетик-тарбиявий қувватини оширишга хизмат этади.

7. «Навоий» романни жанрнинг мукаммал намунаси сифатида алоҳида ўрганишни тақазо этади.

Биринчидан, мазкур эпик полотно аввало етук роман жанри намунаси, қолаверса, юксак даражадаги тарихий роман ҳам, яна тарихий-биографик романнинг ноёб кўриниши. У ўзбек романчилиги тарихида яратилган ягона бадиий-аналитик романдир.

8. Романнинг жанр мукаммаллиги белгилари:

- а) ўтмиш ҳақидаги асар эканлиги;
- б) тарихий ҳақиқатга мослиги, факт ва ҳужжатларнинг ростлиги, бадиий ҳақиқатга тўла бўлганлиги;
- в) тарих фани хulosалари билан ушбу роман хulosаларининг мутаносиблиги;
- г) гоявий-бадиий етуклиги;

Хулоса: Ойбек XX аср ўзбек романчилиги тарихида янги давр очган, жанрнинг ранг-баранг турларига асос соглан ва мукаммал жанр намуналарини тақдим этган буюк романнавис сифатида ардоқ-

лидир. Бу борадаги у яратган яшовчан ва барқарор анъаналар ҳамиша маҳорат мактаби вазифасини ўташи шубҳасиз.

Адибнинг барҳаётлиги ҳам шундандир.

*Умарали НОРМАТОВ,
филология фанлари доктори*

АДИБНИНГ УНИВЕРСИТЕТ ДАВРИ ИЖОДИЙ ТАФАККУРИДАГИ ЭВРИЛИШЛАР

Улкан адибларнинг бутун ҳаёт ва ижод йўли давомидаги ёки ҳаётининг муайян босқичидаги руҳий-психологик эврилишларини тадқиқ этиш ҳали бизда урф бўлган эмас. Замонавий жаҳон руҳшунослиги тажрибаларига, жумладан, З. Фрейднинг психоанализм назариясига таянган ҳолда ижодкор руҳиятининг онгли ва онг ости қатламларини кузатиш адиб ва унинг ижод дунёси ҳақидаги ҳақиқатни очишда ниҳоятда кўл келиши мумкин.

Мазкур маърузада биз улкан адиб Ойбекнинг университет даври ижодига мана шу жиҳатдан ёндашибшга жазм этдик.

1. Ойбекнинг ўн бир йиллик ҳаёти САГУ – ҳозирги Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллый университетида ўтган; у 1925-1930 йилларда университет ижтимоий фанлар факультетининг иқтисод бўлимидаги ўқиган. 1927-1929 йиллари ўқишини Ленинграддаги Плеханов номидаги Халқ хўжалиги институтига кўчиради, бироқ соғлиғи ёмонлашгани туфайли Тошкентта қайтиб, ўзи таълим олган даргоҳда ўқишини давом эттиради. Ниҳоят, 1930 йили университет дипломини олишга муваффақ бўлади. Сўнг айни шу даргоҳнинг ижтимоий фанлар факультетида сиёсий иқтисод фанидан дарс беради, 1935 йилгача иқтисод кафедрасида ассисент бўлиб ишлайди.

Талабалик йилларини «олтин даврим» деб аташ расм бўлган. Университетдаги талабалик йиллари Ойбек учун чиндан ҳам «олтин давр» бўлди. Илк шеърий тўпламлари «Туйғулар», «Кўнгил найлари», ilk адабий-танқидий мақолалари айни шу талабалик йиллари руҳиятида кечган ўй-туйғулар маҳсули сифатида майдонга келган. Талабалик йиллари Ойбек учун ҳам шахс, ҳам дунёқарашиб, ҳам мутахассис-иқтисодчи, ҳам шоир ва мунаққид сифатида изланиш, шаклланиш даври бўлди. Талабалик йиллари унга севиш, севилиш баҳти

насиб этди, Зарифадек вафодор, муқаддас, фаришта аёл билан умр қурди.

Университетда иқтисодчи олим, муаллим бўлиб ишлаган кезлари ҳам бадиий ижодни давом эттириди, «адабиёт мана шу йиллар давомида менинг иккинчи асосий касбим бўлиб қолди», деб ёзади у таржимаи ҳолида. Бу йилларда ҳам биринчи галда лирик шоир сифатида дил розларини қогозга туширишда давом этди. Шоирнинг умр бўйи яратган лирикасининг тенг ярми университет даврига тўғри келади. Муаллимлик йиллари у «Дилбар – давр қизи», «Ўч», «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Темирчи Жўра» каби ўз даврининг бадиий солномалари саналган достонларини яратди. Бу йилларга келиб танқидчилик фаолияти хийла кучайди, замонавий ўзбек шеърияти тадқиқи унинг бош мавзууга айланди; «Faфур ҳақида» деб аталган машхур мақоласи ўша кезларда ёзилди; танқидчиликнинг методологик муаммосини дадил ўргага қўйди; ўша кезларда танқидчиликда кенг ёйилиб бораётган хатарли оғат – танқид соҳасидаги саводсизлик ва ур-ийқитчиликка қарши ўт очди.

2. Ойбекнинг илк насрый асарлари «Гулнор опа», «Фанорчи ота», «Мусича», «Синган умид», «Тиллатопар» ҳикоялари университетда эндиғина иш бошлаган кезлари – 1930 йилнинг октябрь ойида бирин-кетин яратилган. Бу ҳикоялардаги муайян дидактик-тарбиявий руҳ ёш мураббий адаб руҳиятида кечган жараёнларининг акс-садосидир.

Ойбек эски мактабдан янги мактаб - «Намуна»га ўтиши билан янги тафаккур оламига ишқи тушиб қолди, техникиумда рус тилини згаллаб, рус, айни пайтда янги турк шеърияти дунёсида нафас ола бошлади; янги миллий шеърият яловбардори Чўлпон изидан бориб, ижоддаги илк қадамлариданоқ «қўнгил шеърияти» ижодкори сифатида танила бошлади. Илк тўпламларининг «Туйгулар», «Қўнгил найлари» деб аталиши тасодифий эмас. Ленинградда ўқиган кезлари эса замонавий рус ва жаҳон шеърияти, модерн адабиётнинг улкан намояндалари ижод сирлари билан яқиндан танишди. Янги замон шеъриятининг мана шу улкан оқимида – кунчиқар мамлакат адаби Кавабата, турк шоирлари – Урхон Сайфий, Холид Фахрий, Яҳё Камол, Тавфиқ Фикрат, Зиё Кўкалп, рус модернистлари - А. Блок, В. Брюсов, Белгиянинг атоқли модернист шоири Э. Верхарнлар сафиди туриб қалам тебратга бошлади, жаҳон янги шеъриятининг энг яхши намуналари билан беллампа оладиган рубобий тароналар яра-

тишга киришди. Агар олдинда тұғаноқлар бўлмаганды эди, ким билсин, бу ноёб шеърий истеъдод эгаси бу йўлда қандай юксак марта-баларга кўтарилиган бўларди.

3. Ёш шоирнинг шашти ниҳоятда баланд эди. Илк шеърий китоби «Туйғулар» чиққанида у 2-курс талабаси бўлган. Айни шу 2-курс талабасининг «Қизил Ўзбекистон»нинг 1926 йил 3 декабрь сонида улкан олим Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» китоби ҳақидаги тақризи чиқди. Талаба академик мақомидаги олимнинг бу китобини «мактаб ўқувчилари учун гўзал қўлланма», деб баҳолади, айни пайтда давр мафкурасидан келиб чиқиб, асарда адабиёт муаммолари марксизм-ленинизм мезонлари асосида яратилмаганлигини айтди. Орадан икки ой ўтар-ўтмас, 1927 йил бошларида шоир Чўлпонга ғаразли ҳужум бошланиб, унинг ижоди мафкуравий жиҳатдан зарарли, деб эълон этилганида, яна ўша 2-курс талабаси Ойбек бу хатарли баҳсга дадил аралашиб «Чўлпоннинг мафкураси эмас, бадиий намуналари ўқилади, воз кечилмайди», дега буюк шоирни ҳимоя қилиб чиқди.

Афсус, бу олишувда байроқ Ойбек эмас, Чўлпон мухолифлари томонида эди; ёш шоир-мунаққид ҳам бўш келмади, қисман ён беришлар билан бўлса-да, ўзини ҳимоя қилишга ўтди, бироқ ўша кезлари сиёсий демагогияга бас келиш асло мумкин эмас эди...

4. Тоталитар режим адабий сиёсатининг таъқиб ва тазиيқлари кундан-кун кескинлашиб борди. Инглиз адиби Жорж Оруэлл сўзлари билан айтганда, тоталитаризм фикр эркинлигига шунаقا тажовуз қилдики, буни ҳатто тасаввур этиш мумкин эмасди; унинг фикрни назорат қилиши фақат таъқиқлаш мақсадларинигина эмас, балки муайян режаларни назарда тутарди; у нафақат айрим фикрларни ифодалашга қаршилик қиласи, балки нималар ҳақида ўйлаш лозимлигини уқтириб туради, шахс қабул қилиши лозим бўлган мафкура яратилади, унинг ҳис-туйғуларини бошқаришга тиришилади. Адаб «ана шундай муҳитда адабиёт яшай оладими?» деган савол қўяди ва ўзи қатъий қилиб: «Йўқ!» дега жавоб қайтаради. Унингча, ижод бу, аввало туйғу, туйғуни эса мутлақо назорат остига олиш мумкин эмас. Агар ижодкорга эркинлик берилмаса, ижодий инстинкт ўз-ўзидан йўқолади. Тоталитар режимнинг адабиётта келтирган заарлари бекиёс. Айни пайтда бадиий ижод, адабий жараён шундай сирли-сехрли ҳодисаки, унда улуғ адаб фикр-ҳукмига зид ҳоллар ҳам юз берди. Тоталитар режим адабий сиёсати таҳдид солиб турган 20-30-йилларда, гарчи бу таҳдид, тазийқ адиллар ижодий тақдирilda чу-

кур из қолдирған бўлса-да, чин истеъдод эгалари ўшандай машъум замонларда ҳам охир-оқибат ўзлигига, қалбига содик қолиб, юксак санъат намуналари яраттаниклари чиндан-да ҳайратомуз ҳодиса. Ўша давр Ойбек кўнгил лирикаси бунинг ёрқин исботи!

5. Аслида Ойбекнинг дилбар лирикаси осонликча майдонга келган эмас, улар қалбдаги гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона олишувлар, онгли ва онг ости туйгуларининг кураши, гоҳ у томон, гоҳ бу томоннинг ғолиб чиқиши самараларидир. 20-йилларнинг охири, 30-йилларнинг биринчи ярми шоир қалби «икки тўлқин кураши» жанг-гоҳига айланади. Талабалик йиллари онгига бетиним марксчалигинча таълимот сингдирилган, университетда сиёсий иқтисод, марксизм-ленинизм асослари курсидан дарслар берган, муайян муддат Маркс таълимотига ихлос қўйиб, «Капитал»дан таржималар қилган, шеърларидан бирида «Буюк Маркс «Капитал»и ёш юрагимда, Янги ҳаёт, эрк диёри ишқи кўксимда», дея «Болғалар, ўроқ сафи ила бориш»га аҳд қилган, ҳамма вақт «қўлларида болға ушлаганлар» тўғрисида ёзишни орзу қилган. Айни пайтда қалб тубида чин инсоний кечинмалар, ҳаёт, табиат, севги ва уларнинг чин маъноси каби мангу муаммолар устидаги ўй-муҳоҳадалар бетиним мавж урган. Аллоҳ инъом этган ҳаётга, она табиатга, ёрга чексиз муҳаббат уни даврнинг омонат, алдамчи тасаввур, воқеа-ҳодисаларидан чекиниб, нигоҳини йўл-йўлакай, XX асрнинг буюк файласуфи О. Гассет айтганидай, қалб туби томон йўналтириб турган; Ойбек қатор шеърларида давр қарашлари таъсирида дарвеш ва дарвешликни қоралайди, лекин, барibir, охир-оқибатда ўзини дарвеш санайди; Ойбекнинг бутун фаҳр билан тилга олинадиган дилбар дарвешона лирикаси шу тариқа майдонга келган.

Ойбекнинг адабий-танқидий ишларида, айниқса, Чўлпон ва Қодирийга қарашларida ҳам икки тўлқин кураши яққол кўринади. Марксизм-ленинизм таълимоти билан қуролланган олим масалага синфий ёндапшиб, бу икки аллома ижодини мафкуравий жиҳатдан танқид қиласди, аммо бу қалбан улкан санъаткор ҳар икки алломанинг беназир санъати олдида таъзим қиласди.

6. Ойбек университетдаги фаолиятини тўхтатиш сабабини шундай изоҳлайди: «1935 йилда шундай бир пайт келиб қолдики, мен энди ё олим-иқтисодчи ва ё ёзувчиликдан бирини танлаб олишим зарурлигини яхши ҳис этдим. Аммо, кўнгилда адабиётга, шеъриятга муҳаббат зўр бўлганидан билдимки, менинг **чинакам майлим**

адабиёт томонида. Шунда иқтисодий фанлардан дарс беришни тўхтатишига рози бўлдим». (Кўчирмадаги таъкидлар мақола муаллифи-ники.)

7. Бундай қарор, кўриниб турибдики, узоқ йиллик икки тўлқин курашининг, яхши ҳис этилган чинакам майл, кўнгил амрининг ҳосила-натижаси. Бу ерда ошкор айтилмаган, ўша кезлари айтилиши мумкин бўлмаган яна бир ҳақиқатни пайқаш қўйин эмас. Гап шундаки, 30-йилларнинг ўргаларига келиб Ойбек танлаган ихтисослик – иқтисод фан сифатида тугаб битган, у соф сиёсатга, у ўқийдиган марксизм-ленинизм асослари курси эса сиёсий сафсатабозликка айланиб улгурган эди. Ойбекдек улкан санъаткор бундай абсурд-маънисиз машгулотни давом эттириши мумкин эмас эди. Шуниси ҳам борки, Ойбек сиёсий иқтисодни, марксизм-ленинизм асосларини тарқ этар экан, умуман фан оламидан кетган эмас, илмий-тадқиқот ишларига бўлган зўр ҳавасини адабиётшуносликда давом эттиришга қарор қўйди. Адабиётшуносликда ҳар ҳолда кўнгил қаъридаги туйгуларни изҳор этиш имкони бор эди... Ойбекнинг сиёсалашган иқтисодни, марксизм-ленинизм асослари соҳасини тарқ этиши, бутунлай адабиёт оламига қайтиши бу улуг сиймонинг донишмандлиги, жасорати, қолаверса шахсий омади, миллий адабиётимизнинг баҳти эди.

**ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори**

ОЙБЕК – НАВОИЙШУНОС

1. Алишер Навоий ижодиёти – буюк шахс, беназир санъаткор ақл-идроқи, фикрий изланишлари, руҳий юксалиш ва фалсафий-ажлоқий мушоҳадаларидан яралган бир олам. Унинг юзага чиқиши тарихи, албатта, биздан узоқ. Лекин ҳаётий нафаси, моҳияти, ҳақиқат ва гўзаликлари боқийдир. Ойбек Навоий шахсияти ва ижодиётига фавқулодда ҳодиса ўлароқ қараган. Унингча, «Навоий энциклопедик маълумотта эга бўлган улуг олим ва мутафаккирдир». Шунинг учун ҳам Ойбек Навоийнинг муҳиби, содиқ издоши ва улуг шоир ижодиётининг тадқиқотчиси сифатида масаланинг мана шу жиҳатига доимо алоҳида эътибор билан қараган. Ойбек Навоий яшаб ижод этган тарихий давр, адабий-маданий мухит хусусида сўз юритганда,

биринчи галда унинг ўз кўрсатмалари, эътироф ва маълумотларига суюнган. Ўша замонларда ва ундан кейин яратилган энг мўътабар илмий, тарихий, адабий манбалар билан пухта танишиб, бири-биридан мазмундор ва ўқишли тадқиқотларни яратган. Уларда Навоийнинг шахси, дунёқараши, ижодиётининг оламшумул қудрати ва бадиий жозибаси хусусида илгари сурилиши зарур бўлган фикр-мулоҳазаларни биринчилар қаторида баён қилган.

2. Кейинги пайтларда Навоий ва Навоий шеъриятининг тасаввуфга алоқадорлиги ҳақида кўп ёзилди. Ҳатто уни сўфий шоир деганлар ҳам бўлди. Ҳолбуки, Ойбек «Навоий адабий мероси масала-сига доир» мақоласида бу муаммонинг гўё бутун ечимини кўрсатганди: «Навоий лирикаси орасида фалсафий–сўфиёна фикрларни ифодаловчи ёки тасаввуф руҳи билан сугорилган ғазаллар топилади. Лекин Навоий ҳаётбахшиликни севган. Инсоннинг, ҳаётнинг баркамол бўлишини хаёл қилган шоир эди. У ўзини дарвеш деб аташни севса-да, у на дарвеш, на сўфий...». Агар биз ана шу фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олмасак, ҳеч шубҳа йўқки, Навоий шеъриятининг тириклик руҳи ва ҳаётбахш нурини сўндиришга ҳисса кўшган бўламиз. Тасаввуф таълимотининг билимдони Е.Э. Бертельсдай олимнинг ҳам Навоийга бағишланган тадқиқотларини ёзишида Ойбекнинг илмий ишлари алоҳида аҳамият касб этганлигини айтиши бежиз эмасди. Ойбек ҳақиқатда аллома навоийшунос. Унинг тадқиқ ва таҳлил усули ҳам, жонли ва жозибали ифода услуби ҳам ўзига хос – ҳеч биронкига ўхшамайди. У ҳеч пайт четдан олинган илмий-назорий фикрларга Навоийнинг ижод намуналарини мувофиқлантиришга уринмаган.

Ойбек Навоий шеъриятида ҳақиқий ишқ тасвиirlарини тадқиқ этганда, бу ишқ фақат гўзалга эмас, гўзалликка, алоҳида кишиларга эмас, кўпчиликка даҳлдорлигига; гўзаллик идеали эса яратганинг қудрати, ҳикмати, санъатини ўрганиш, ўзинг учун эмас, балки умум учун яшаш ва курашишга рағбатлантиришга ургу берган эди. Шу маънода Ойбекнинг Навоий шеъриятидаги тимсол, рамз ва мажозлар талқинидаги тажрибаларини ривожлантириш лозим.

3. Ойбек Навоийнинг ҳаёти, бадиий, илмий меросини изчил ва яхлит тарзда ўрганган. Шунинг учун адабининг Навоий ижодиётига бағишланган илмий асарлари билан танишганда шоирнинг таржи-маи холи, адабий мұхитидан бошлаб, лирик шеърлари, достонлари, насрый асарларининг энг долзарб масалалари хусусида аниқ ва ян-

гича тасаввур ҳосил бўлади. Навоийнинг дунёқараши, санъаткорлик маҳорати, адабиётни юксак босқичга кўтаришдаги улкан хизматлари ҳақида илгари сурилган фикр-холосалар қудратли илмий тафаккур ҳосиласи эди.

4. Ойбекнинг Навоий таржимаи ҳоли, даври ва ижодиётини чуқур ўрганиши – бу унинг буюк шоир тўғрисида яратилган бадиий асарлари учун мустаҳкам асос вазифасини ҳам бажарган эди. Шу боисдан ҳам Ойбек тадқиқотларида олим ва санъаткор нуқтаи назаридаги уйгуналашув осон сезилади. Навоийшунос Ойбекнинг ибратли фазилати Навоий ижод оламига эркин кира билиши ва ундағи ҳар бир бадиий ҳодиса, ҳолат ёки образни ҳаққоний талқин қилишга эришганлигидир. Ойбек поэтик матнни энг яширин ва нозик сирларигача мушоҳада эта олганлити боис таҳлил ва ифодада сира зўриқ-масдан, фикр-мулоҳаза жўнлиги, қуруқлигига заррача ҳам ён бермасдан қалам тебратади. Хуллас, Ойбекнинг илмий тадқиқотларида ҳам илҳомбахш ёрқинлик, самимият ва чуқурлик мавжудки, бундан ҳар қанча ўрганса, ибрат олса арзиди.

*Нўймон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари доктори*

ОЙБЕК ШЕЪРИЯТИДА ГЎЗАЛЛИК КОНЦЕПЦИЯСИ

1. Ойбек теран ва улкан ижоди билан XX аср жаҳон адабиётининг классикларидан бири бўлиб қолди. Бетимсол реалистик прозаси, парвози баланд шеърияти, адабий-фалсафий, эстетик мероси Ойбек номини XX аср жаҳон адабиётининг Робиндронат Тагор, Жон Голсуорси, Михаил Шолохов. Теодор Драйзер, Эрнест Хемингуэй, Роберт Фрост сингари ёрқин сиймоларининг муборак номлари қаторига қўшиди.

Агар Достоевский билан Лев Толстой ижоди XX аср рус адабиётини жаҳон миёсида қанчалар баланд кўтарган бўлса, Ойбек, Мухтор Аvezов, Чингиз Айтматовлар XX аср туркий адабиётини кишилиқ жамиятидаги шунчалик устивор мавқеини белгилаб берди; меҳваридаги обрў-эътиборини таъминлади. Шу маънода, XX аср туркий адабиётининг жаҳон бадиий сўз маданиятига таъсири ва акс таъсир, адабий алоқалар масаласи адабиётшунослик илмининг му-

ҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

2. Ойбек бадиий кашфиётлари билан кишилиқ жамиятига қандай маънавий-ахлоқий, маърифий-эстетик принципларни мерос қолдирди? Ушбу саволга устоз шеъриятидан жавоб излашга интилиб кўрамиз.

Шарқ етар, етар!
Қаддингни кўтар.
Занжирларни кес,
Кулликлар битар, -

дейди лирик қаҳрамон «Шарқ учун» шеърида.

Ёндим эркнинг савдосида,
Қафаслардан жуда бездим.
Боқчаларнинг ҳижронида
Юраги қон тутқун эдим, -

дейди «Эркин қуш» шеърида. «Кушлар қочингиз» шеърида эса қафасдаги булбулнинг дардларини ҳис этишга интилади. Шу йўналишда «Ўзгариш тўлқинлари» шеъри шоирнинг программасири ҳисобланади.

Фарб бургути қонли панжа солмасин,
Етар ортиқ, Шарқ кўксини босмасин.
Исён қони юракларда тошмишdir,
Энди кенг Шарқ асло занжир тақмасин!..

Ўзгаришнинг тўлқинлари, селлари,
Бу кун тошмиш, кўпираидир ҳар ерда.
Эрк боғчасин юмшоқ, нозик еллари
Чечак сочиб ўйнар ёниқ дилларда.

Эй, қонлари қайнаб тошган ўтли Шарқ!
Тўлқинингда қон эмувчи бўлсин гарқ.

«Курапади икки тўлқин, қараб турайми?» дейди лирик қаҳрамон «Товушим» шеърида.

3. Ушбу мисоллардан кўриш мумкинки, Ойбек йигирма ёшга тўлар-тўлмас қатъий нуқтаи назари, эътиқоди шаклланган Шахс си-

фатида кўз ўнгимизда гавдаланади. Ҳаёт – буюк муаллим, инсон эса ҳаёт гули-чечаги, деган бадиий-фалсафий концепция Ойбек шеъриятининг меҳварини белгилайди. Гўзал ҳаёт беназир мураббий сифатида инсон зурриёдини бешикдан тобутгача бўлган олис тириклик йўлларида алқайди. Киприкларига илинганд бир томчи ёшдек эъзозлайди. Ва, лекин, табиатда кун билан тун, ёруғлик билан зулмат ўртасида муттасил кураш кечгани сингари кишилик жамиятида ҳам эрк ила истибдод, эзгулик билан ёвузлик, яхшилик билан ёмонлик ўртасида азалий кураш давом этиб келади. Тун оғушида ёруғлик униб ўстгани сингари зулм ўчогида эркинлик алангаси туркирайди.

Агар ушбу муқоясани кишилик жамиятига кўчирадиган бўлсак, ёлғондан ҳақиқат, ноқисликдан комиллик хусусиятлари куртак туғиб, барг ёзади.

4. Ҳаётдаги икки тўлқин, қарама-қарши кучлар ўртасидаги мамот муҳорабалари ёргу дунё кўз очибдики, кишилик жамияти вужудга келибдики, азалий ва абадий тўкиниш мавжуд ҳақиқатидир. Ойбек: икки тўлқин олишувига бефарқ, бепарво қараб турмайман, ана шу пўртанавор ҳаёт оғушида яшайман, дер экан, воқеликларни юзага келтирадиган қарама-қарши кучлар табиатини ўрганишга, муҳорабалар моҳиятини англашга қаратилган майл-интилиши кўзга ташланади. Ойбекнинг бадиий идроки ана шу қайноқ кураш жараёнларини билишга, англашга йўналтирилган.

5. Лирик қаҳрамон табиатида зулм, залолат, жаҳолат нега мавжуд? Нега йўқ бўлмайди? деган мазмундаги сусткашлик кузатилмайди. Зулмнинг ҳар қандай шаклларини, ҳар қанақа кўринишларини енгиг яшаш инсоннинг бош аъмоли. Ҳаётнинг гўзаллигини, турмушнинг ёруғлигини таъминлайди, деган ғоя устивор. Инсон шахсияти ва тириклигида ноқислик, номукаммаллик бор нарса. Ҳаётдаги, жамиядаги зулм, ноҳақлик ҳам мавжуд ҳақиқат. У асрлар оша ўз шакли-шамойилини, тусини ўзgartириб, яшаб келаётир. У ўткинчи бир ҳодиса эмас. Шундай экан, ёруғлик қанчалик мутлақ ҳақиқат бўлса, қоронгулик ҳам шунчалар яшовчан.

Оёғингга ип тақилмиш, кел узат!
Сен-да бир оз япроқларда кул, яира,
Эркинликнинг йўлларини кел, тузат,
Рұхим учун сен нағма чал, бир сайра! -

дейди лирик қаҳрамон «Олтин қўнғизга» шеърида.

Ойбек шеърияти ҳаётдаги, ижтимоий воқелиқдаги, одамлар рухиятидаги зиддиятлар, курашлар жараёнини бадий тадқиқ этувчи мазмуни билан нажиб. У бизни ҳамиша ҳаётни севишига ўргатади, яшашга даъват этади. Курашчанлик рухини сўндиримасликка ундаиди. Зеро, курашчанлик – моҳиятан гўзал. Гўзаллик эса, соҳир ва сўнмас ҳақиқатдир.

*Н. ВЛАДИМИРОВА,
доктор филологических наук*

АЙБЕК – ПЕРЕВОДЧИК

1. Мировое культурное развитие немыслимо без переводной литературы и творческая роль переводчика составляет органическую связь его общечеловеческой и гражданской роли.

Исходным пунктом для рассуждений о значении перевода в жизни общества является мысль о его связующей роли. Свидетельство такого понимания в глубоко философском смысле дошли до нас из времен глубокой древности, еще из библейской легенды о вавилонском столпотворении:

На всей земле был один язык и одно наречие и Бог для того, чтобы помешать людям довести до конца задуманное ими в их гордыне дело – выстроить городъбашню до небес – «смешал язык всей земли». Связь между людьми была разрушена и строить вместе они уже не могли: «И рассеял на Господь оттуда по всей земле и они перестали понимать друг друга». Но, понимать друг друга было необходимо и первыми переводчиками стали люди двуязычные так называемые толмачи. Они, разумеется, не переводили художественную литературу, так как это требует умения воссоздавать образный мир. А для того, чтобы произведение стало функционировать как произведение искусства, переводчик должен как бы повторить творческий процесс его создания. Оно должно возродиться на другом языке заново силою таланта переводчика. Таким талантом обладал выдающийся поэт, прозаик, ученый Айбек, начавший свою переводческую деятельность с середины 30-х годов прошлого столетия. Его переводы произведений Анатоля Франса, Максима Горького печатались в журнале «Ер юзи» еще в 1926 г. Его перу принадлежат

переводы отрывков из произведений Гёте «Фауст», Данте «Божественная комедия», Байрона «Каин».

2. В 1937 году Айбек перевел «Евгения Онегина» Пушкина. Этот перевод дает широкую возможность определить уровень переводческого мастерства, переводческой манеры и принципов воссоздания пушкинского оригинала. Переводческий метод Айбека не всегда совпадал с взглядами других его современников. При всем его максимализме, в его переводах нет буквально-точного воспроизведения языковых особенностей. Его понимание близости перевода в художественном воссоздании текста, в максимально возможном сохранении звучания оригинала. Это именно то, что Белинский обозначил словами: «В сфере искусства ученый знает, художник умеет».

Переводческий метод Айбека тесно связан с его искусством оригинального художника. Каждый свой перевод он начинает с тщательного толкования – интерпретации оригинала, отмечая главное основное, то «движение мысли», о котором говорил Пушкин: «в литературе важна не мысль, а движение мысли».

Отрывки из «Фауста» Гёте, «Божественной комедии» Данте, произведений Байрона – это не случайный выбор Айбека, как и произведения Анатоля Франса и ранних его переводов Горького.

В 1937 г. Айбек перевел «Евгения Онегина» и этот его перевод явился своеобразной школой мастерства поэтического перевода. Яркими страницами переводческого искусства.

3. Перу Айбека принадлежит и перевод «Маскарада» Лермонтова. Айбека интересовал образ Евгения Арбенина с его глубоким убеждением в том, что «веселье в обществе очень часто одна личина».

В «Маскараде» Айбек увидел ту же среду, что и в «Онегине», сатирически обрисованную Лермонтовым:

Қидираман бекорға ҳар вақт ўйин-томуша,
Қаршимда чувиллайди турли оломон...
Юракни муз қоллаган, хаёл ухлар доимо:
Булар бари менга ёт, мен ҳам уларга ётман!

Бездушной среде противопоставлена сильная личность. Конфликт «Маскарада», мастерски воссозданный Айбеком, связан с традициями декабристской литературы.

Айбек понимал, что драма Лермонтова опирается на стихотворный роман Пушкина и в своем переводе он как бы продолжил разговор о «лишнем человеке». Арбенин, как и Онегин «скуюко томим», но это – деятельная натура.

Айбек воспроизвел и внутреннее напряжение героя и его мукичительные чувства. Произведение другого поэта другой эпохи возрождается с помощью таланта переводчика. Постигая творческую манеру поэта, проникая в мир поэзии пушкинской, лермонтовской эпохи, Айбек находит созвучие авторской концепции, лежащей в основе оригинального творения.

Арбенин противостоит светскому обществу, но он не бежит от него, он остается в нем, пытаясь сохранить свои идеалы.

4. Избирая для перевода психологическую драму Айбек предвидел трудность воссоздания образа гордого и сильного человека, сломленного обществом и нашупывал психологическую нить от лермонтовского «Маскарада» к шекспировскому «Отелло» и романтической драме Шиллера «Коварство и любовь».

В процессе истолкования, интерпретации оригинала Айбек постигал и структуру образов, и своеобразие стиля оригинала. Это глубокий, профессиональный анализ текста.

Пьеса «Маскарад» была поставлена на сцене театра Хамзы в ноябре 1945 года. Нраодная артистка Узбекской ССР Назира Алиева вспоминает о том, как заинтересовано и ответственно отнесся Айбек к постановке пьесы, присутствуя на репетициях и по ходу редактируя текст, работая с художником и порою с костюмером.

5. В переводе «Маскарада» Айбек выступает подлинным художником со своим видением мира и своими «средствами изображения».

Что же вслед за пушкинским «Онегиным», лермонтовским «Маскарадом» привлекло внимание Айбека в мольеровском «Тартюфе»? Исследование этого перевода дает, быть может, не исчерпывающий, но все же близкий к истине ответ. Айбека привлекла идея борьбы со злом, притворством, коварством, лицемерием, воплощенными в герое мольеровской комедии.

Пафос, пронизывающий речь лицемера и предателя, в переведенной Айбеком комедии воссоздан яркими красками и убедительно определяет идейно-психологический облик героя.

Онегин, Арбенин, Тартюф... Какие разные образы, характеры. Именно разоблачение той среды и ее морали явилось главной задачей писателя, главной притягательной силой выбора объектов перевода. И мы видим как единая нить проходит через все переводы Айбека, связывая в тугой узел его активное неприятие зла, эмоциональное, напряженное внимание к идеям авторов, их этической позиции.

6. Айбек-переводчик и Айбек-писатель – это одна яркая индивидуальность. При всем своем многообразии творчество Айбека – писателя и переводчика представляет собою единый художественный мир со своими законами, с характерными, ярко выраженными чертами индивидуальности, со своим кругом художественных проблем, которые делают его творчество неповторимым.

*F. МҮМИНОВ,
филология фанлари доктори*

ОЙБЕК ВА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

1. Маънавият тарихи шундан далолат берадики, жаҳон адабиёттинг ҳар бир буюқ вакили халқнинг бой оғзаки ижоди билан узлуксиз алоқада бўлган. Ундан ўз ижодида фойдаланган, фольклор асарларига юксак баҳо берган. Шунинг учун халқ ижодининг ёзма адабиёт тараққиётидаги муҳим бир омилларидан бири сифатида зътироф этилиши бежиз эмас.

Албатта, адабиётимиз тараққиёттинг илк даврида фольклорнинг формал компонентларини кўллаш ва поэтикада янги кўринишлар яратишга бўлган уриниш пайтлари ҳам бўлди. Аммо буюқ классикларнинг ижодий изланишлари, тажрибалари туфайли халқ ижодининг туб моҳиятини янги адабиёттинг ривожланиш жараённида янгича талқин қилдилар, бу карашлар тобора камол топиб, янгича жило ола бошлиди.

2. Ойбек ўзининг бутун ижоди давомида халқ оғзаки ижоди материаллари билан узлуксиз алоқада бўлди. У ҳар бир йирик асари учун материал тўплаган. Мавзу билан боғлиқ халқ ижоди намуналарини тўплаб ўрганиб, муносабат билдириб, маҳсус дафтарчада қайд этиб борган. Бунга Ойбек архиви, йигирма жилдлик «Мукаммал

асарлар тўплами» билан таниш бўлган ҳар бир киши гувоҳ бўла олади.

Ёзувчи ўзининг таржимаи ҳолидаги «Менга янги дунёни кўрсатган адабиёт» қисмида: «Халқ, унинг тарихи, ҳаёти, унинг куйкўшиклари мен учун битмас-туганмас илҳом булоги бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади ҳам» («Муқаммал асарлар тўплами», XIV том. Тошкент, 1979, 14-бет), - деб ёзган эди.

Ойбек ўзининг дастлабки давр ижодида, хусусан, «Бахтигул ва Соғиндиқ» достонининг ёзилиши тарихи ҳақида гапириб ёзди: «Отам билан тез-тез бориб турадиган Қозогистон чўлларида юрган кезларимдаёқ илҳомнинг маст қилувчи ҳиссияти мени ўзига асир олган эди. Шунда менда ижод қилиш учун кучли орзу уйғонди... Тошкентлик савдогар томонидан сотиб олинган гўзал қозоқ қизи ва Тошкентда ҳунармандлар ва батракларни бойга қарши оёққа турғизиб, ўз севиклисини озод қилган ҳалқ оқини тўғрисидаги ажойиб эртак ижод булоқларини мавжга келтирди. Бунинг натижасида 1934 йилда «Бахтигул ва Соғиндиқ» поэмам дунёга келди».

Асаддаги Соғиндиқнинг ўз ёрини кутқариш йўлида кўрган чорлари «Ошиқ Фарид ва Шоҳсанам» ишқий-романтик достонидаги муҳаббати топталган ва ҳақоратланган Фариднинг Шоҳсанам саройига келиши воқеалари билан жуда ҳамоҳангдир.

4. Ойбек ҳалқ ижодининг жуда қадимий ва ранг-баранг экани, у неча асрлардан бери бойиб, сайқал топиб, даврлар оша оғиздан-оғизга ўтиб, тобора такомиллашиб келаётгани ҳақида сўзлаб: «Халқ ўз кўшиқ ва достонларини кўз қорачигидек асрар эди. Порлоқ бадиий образлар билан ифодаланган ҳалқ фантазияси, ҳалқ донишмандлиги бу бой ҳазинани кундан-кунга бойитар эди», деган хулоса чиқаради. Шунингдек, Ойбек ҳалқ ижодига хос жонли ва ширали тилни, турли услубий фигуralар ва бўёқларни алоҳида таъкидлайди ва улардан ўрганишга даъват этади. «Ёзувчилар тилни ҳалқдан ўрганишлари лозим. Ҳалқ тили ажойиб формалар ва қочириқларга бой битмас-туганмас асл манбадир» («Адабиётимиз автобиографияси». Т., 1974, 160-бет), - деб ёзган эди Ойбек.

Ойбек ҳар бир асарини ёзишга киришишдан илгари жуда кўп материал тўплар эди. Буларнинг аксарияти ҳалқ ижодиётидан намуналардир.

Масалан, адаб «Муқаммал асарлар тўплами»нинг XVIII жилдидаги «Нур қидириб» повести учун тўпланган материаллар қисмида

«Ўрдуча-русча лугат», «Покистон ҳалқ мақолларидан намуналар» берилган. «Бадиий ижодла фойдаланиш учун ҳалқ оғзидан ёзиб олинган асарлар» қисмида эса «лапарлар, мақоллар, оталар ва оналар сўзи ҳамда айрим иборалар берилган. Булар 340 та мақол, 42 сатрдан иборат ҳалқ лапарлариридир. Ҳалқ ижоди намуналари ҳисобланган бу дурдоналар Ойбек ижодида янгича жило топиб жаранглани шубҳасизdir.

5. «Муқаммал асарлар тўплами», юқорида айтганимиздек, адибнинг бой оғзаки ижодига бўлган муносабатидан гувоҳлик берувчи материалларга бой. 1934-1935 йиллардан бошлаб Навоий ҳаёти, фалсафий дунёқараашлари устида муттасил тераң илмий тадқиқот бошлаган Ойбек «Навоийнинг таржимаи ҳоли ва ижодий фаолияти» номли монографиясини ёзиб, кейин у ҳақда достон ва роман яратишга киришган.

6. Адибнинг «Гули ва Навоий» достонига сўз боши ёзган Зарифа Сайдносирова: «... 1968 йилнинг март ойида Ойбек ҳаёли яна беш асрлик воқеа чангини тозалаб, тарих йўлларини кезди, бир ҳалқ афсонаси асосида «Гули ва Навоий» достонини яратди. Ойбек бу достонни Ҳазрат Навоийнинг 525 йиллик юбилейига бағишилаган эди», - деб ёzádi.

Шубҳасиз, Ойбек бу достонни яратишда биргина афсона сюжетини асос қилиб олмайди. Навоий ҳаёти ва фаолияти билан муттасил шуғулланган адиб Навоий билан боғлиқ барча ҳалқ ижоди намуналаридан баҳраманд бўлган. Бу ўринда «Навоий ва унинг севган қизи», «Тарихда тўрт донишманд киши», «Мир Алишер ва Султон Ҳусайн», «Доно Навоий» афсоналари асос бўлгани шубҳасизdir.

Навоийнинг шахси ва унинг севгилиси ҳақида жуда кўп ривоҷлар мавжуд. Лекин Навоий ўз умрида кимнидир дилдан севган. Буни унинг «Лисон ут-тайр» асаридаги «Шайх Санъон» қиссасидан ўз шахсий севгиси ҳақида маҳсус асар ёзиш орзусида бўлганлигини билиш мумкин. У ёzádi:

Кел, Навоий, сўзни ҳола хатм қил,
Ишқ аро изҳори даъво қилмагил.
Бир неча кун умрдан томсам омон,
Шарҳи ишқим назм этай бир достон.
Анда билгай кимганим инсофдир,
Ким сўзим чинмудир ё лофдир.

Е.Э. Бертельс ҳам «Навоий» монографиясида Навоийнинг севгиси хусусида гапириб «Фарҳод ва Ширин» достонининг муқаддасидаги шоирнинг ўзи ҳақида сўзлаган мисраларига ишора қилади.

7. Фольклор ва адабиёт хусусидаги бундай ижодий мажриба Ойбекнинг «Кутлуг қон», «Олтин водийдан шабадалар» асарларида ҳам ўзига хос кўринишга эга. Масалан, «Нур қидириб», «Нур қидириб» қиссаси учун тўпланган материаллар орасида бир қатор мақол ва афоризмлар билан бирга халқ донишмандлигини ифода этувчи ривоятлардан бирини асар тўқимасига сингдириш нияти борлигини баён қилган фикрлар, шунингдек, ёзувчининг асар режасини яратा�етиб, бир ўринда «илм-маърифатнинг аҳамияти ҳақида бир мақол ёки афоризм керак бу ерга», деб қайд этган ўринлар бор. Шунингдек Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романи учун тўпланган материаллар орасида «план ва қайдлар», «Эсада тутиш учун» деган қайдлар, айрим мақолларга ишоралар ва «Юлдуз тўғрисида бирор халқ афсонаси керак», деган шарҳларни кўриб, ёзувчининг халқ ижоди намуналарига беҳад меҳр қўйгани ва унга суянганининг гувоҳи бўламиз.

8. Ойбекнинг турли жанрдаги ижодида фольклор мотивлари, афсона ва ривоятлар, умуман, фольклоризмнинг ранг-баранг кўришиллари тобора янгича жило топа борди.

Халқ донолиги мужассам бўлган фольклор асарлари ёзувчи учун битмас-тутанмас ижод чашмаси эканини намойиш эта борди. Унинг бу ижодий лабораторияси эндиликда юксак камолотта эришаётган бутунги адабиётимиз учун катта мактаб бўлиб қолди.

*Fani АБДУРАҲМОНОВ,
академик*

ОЙБЕК АСАРЛАРИНИНГ ТИЛИ ВА УСЛУБИ ҲАҚИДА

1. Буюк сўз устаси устоз Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек турли соҳалар бўйича қалам тебратди. Насрий ва назмий бадиий адабиёттинг ҳамма турларида ижод қилди – баллада, лиро-эпик достон, хикоя, очерк, қисса, роман, оммабоп (публицистик) мақолалар ёзиб қолдирди, қардош халқлар адабиёти, антик давр ва Европа адабиётининг машҳур асарларини таржима қилди. Адабиётшуносликка оид

чукур мазмунли мақолалар, тақризлар ёзди. Устоз адид ижоднинг турли соҳалари бўйича из қолдиргани учун ҳам ёзма услубнинг ҳамма соҳаларидан моҳирона фойдаланди. Унинг бадий ва таржима асарларида – бадий ва нотиқлик услуби, мақолалари ва нутқларида – расмий ва оммабоп услуб, адабиётшунослик ва тилшуносликка оид асарларида, таржималарида илмий услуг намуналарини кўрамиз. Адид ўз асарларида бу услубларни яратувчи тил воситаларидан моҳирона фойдаланган ва илмий мақолаларида бошқа ёзувчи ва шоирларга ҳам тилга, сўз қўллашга катта эътибор қилишни маслаҳат берган.

2. Сўз санъатининг атоқли намояндаси бўлмиш устоз ўзбек адабий тили ва, хусусан, бадий тил ва услуб ҳақида, сўз қўллаш тартиби ва қоидалари тўғрисида чукур мазмунли илмий мақолалар ёзганлар. Шулардан бири «Ўзбек поэзиясида тил» ва иккинчиси «Тил» деб номланади. «Ўзбек поэзиясида тил» мақоласи биринчи марта 1934 йили «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган бўлиб, бу мақола F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан 1974 йили чоп этилган ўн жилдли Ойбек «Асарлар» тўпламишининг тўққизинчи жилдидан жой олган (238-245-бетлар). «Тил» мақоласи бўлса, аввало, 1936 йили Ўзбекистон Фанлар Қўмитаси томонидан китоб ҳолида нашр этилган «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» номли монографияси таркибида бўлиб, бу мақола ҳам 1974 йили нашр қилинган тўпламда зълон қилинди (274-280-бетлар).

3. Буюк адид «Ўзбек поэзиясида тил» номли мақоласида ўзбек адабий тилининг кейинги йиллардаги бойиши, ривожланиши ҳар қандай тушунчани ифодалай олиш қурдати тўғрисида ёзид, бу тилнинг яна муқаммаллапшиши учун унинг устида ишлаш зарурлиги вазифасини қўяди. Бу соҳада ёзувчи ва шоирларнинг хизмати катта эканлигини таъкидлаб, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Faфур Фулом, Ҳусайн Шамс каби ёзувчи ва шоирлар номини тилга олади.

Ойбек поэзиянинг тилига тўхтар экан, бу соҳада анча камчиликлар бор эканини таъкидлаб ўтади, «босилаётган... шеърлар ва достонларнинг тили грамматик янгиликлар билан тўла... бадҳазм тил» эканини ва бадий тўқиманинг асоси тил эканини кўрсатиб ўтади. «Тил камчилиги, - деб ёзади адид, - асарнинг бадий сифатига манфий таъсир қилиши мумкин». Шеър шоирларга эмас, «ўкувчи оммаси»га қаратилган экан, унинг тили халққа тушунарли бўлиши шартлигини таъкидлаб ўтади. «Енгил, синиқ тил билан ёзилган

шөйрлар»ни «халқ құлламайды, тушунмайды, завқланмайды», дейди. Сүзнинг «оқанғи, ифода кучи, бүёғи ва бошқа томонларига қараң керак», «Аниқ, турмушни түгри күрсата билажак, фикр-тушунчаларни түлиқ, қабариқ ифода эта билажак тил лозим», деб күрсатади. Бу фикрларини қувватлаш учун замона шоирларидан мисоллар келтиради.

Адіб күрсатишича, «Поэзия тили ихчам тил. Равшан ва ихчам ёзиш учун», аввало, «шоир ўз фикрини уйғун ифодаламоги, конкрет шакллантироғи» керак, шу билан бирга адіб поэзияда ҳар қандай техникага оид сўзларни ўринисиз ишлатиш түгри бўлмаслигини кўрсатиб, бунга амал қилмаган шоирларнинг шеърларидан мисоллар келтиради. «Қофия учун, - дейди Ойбек, - маънони қурбон қилиш ярамайди». Адабий асарда жумлалар содда, тушунарли бўлиши керак. Бунинг учун шоирлар сўз бойлиги хазиналарини доимо тўлдириб боришли зарурлигини кўрсатиб ўтади.

4. Адіб «Тил» деб номланган илмий мақоласида Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён», «Обид кетмон» романларини бадиий адабиёт намунаси сифатида таҳлил қиласиди. «Ўтган кунлар» романнинг тили, ҳақиқатдан, бой, бўёқли, содда, ифода кучи зўр, оммага англашиларли, эмоционал бир тилдир. Ўзбек адабий тилининг шаклланишида бу асарнинг роли, шубҳасиз, ғоят каттадир. Ёзувчи халқ тилининг бой хазинасидан фойдаланиб, юзларча мақоллар, тугал гаплар, қочирмалар, сўз ўйинларини усталик билан қўллашини, персонажлар ўзига хос тилда сўзлашишини, Абдулла Қодирий бадиий воситалардан унумли фойдаланганинги кўрсатиб ўтади ва бунга романдан мисоллар келтиради. Ойбек адабий тилнинг мусикийлиги ва ритмига аҳамият бериди, образларни типиклаптириш ва индивидуаллаштириш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, «Услуб ҳам лирик тўлқинликка, жўшқинликка кўтарилиши, услубда такрор усулининг алоҳида аҳамияти борлигини мисоллар билан кўрсатиб, Абдулла Қодирий асарлари тилидаги баъзи нуқсонлар борлигини айтиб ўтади. Бу нуқсонлар – арабий, форсий сўзларни ортиқча ишлатиш ва эски достонлардан кириб қолган шаблон унсурлар ва муболагали таърифлар, ортиқча бўёқларнинг қўлланишидир. Адабиётшунос сифатида Ойбекнинг Абдулла Қодирийнинг мазкур романларининг (бундан етмиш йил аввал) чуқур ва объектив таҳлили ҳозир ҳам адабий асарни объектив (хо-

лис) таҳлил қилиш намунаси бўлиб қолади.

5. Устоз Ойбекнинг «Евгений Онегин» шеърий романининг таржимаси ҳамда айрим журнал ва бадиий асарлар муҳокамасида, бошқа жойларда сўзлаган нутқлари, диссертацияларга берган тақризлари Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг «Фан» нашриётида чоп этилган «Муқаммал асарлар тўплами»нинг ўн саккизинчи жилдига кирган. Бу нутқ ва тақризларида адабиётшуносликнинг ва адабий тилнинг муҳим масалаларига тўхталиб ўтади. У. Тўйчиевнинг номзодлик диссертациясига ёзган тақризида «Ўзбек тилига форс-араб сўзларини қориштириб туриб арузни ишлатиш жуда оғир. Ўзбек адабиётида соф ўзбек тили билан аруз йўлини ишлатиш керак», деган вазифани қўяди.

6. Устоз адаб ўзининг наэмий ва насрый асарларида тилдан, унинг услубий воситаларидан фойдаланиш намуналарини кўрсатиб берди. Шоирона тил ва нафис услуб унинг асарларига жон киргизади, кишини мафтун этади, воқеа, ҳодиса ва асар қаҳрамонлари ўкувчининг кўз олдида жонли гавдаланади. Бунинг сабаби адаб нутқ услубини яратувчи воситаларни моҳирона қўллашидир. Бунга адабнинг бой тажрибаси, замон ўзгаришларини тўғри англаши, тарих, иқтисод, фалсафа, санъат ва ижод сирлари соҳаларида чуқур билимга эга бўлиши ҳам сабаб бўлди.

Ўз даври билан ҳамнафас бўлган адаб асар ёзишдан аввало «фикрни... конкрет шакллантирмоқ» лозимлигини маслаҳат беради ва унинг ҳар бир асарида бирор ғоя муқаммал ифодаланади. Бу ғоянинг реаллашиши табиатни, доимий ҳаракатда ва ривожланишида бўлган воқеалар, типик персонажларни моҳирона тасвирлаш орқали содир бўлади.

Бу усул мантиқий услугбанинг реаллашиши билан рўй беради.

7. Адаб бу асосий услубдан ташқари, услугбанинг бошқа турлари – илмий, расмий, адабий услуб воситаларидан фойдаланади. Лексик услуб воситаларини (*сўзнинг лексик ва қўчма маънолари – полисемия, омоним, синоним, тажсис, эпитет, ўхшатиш, тақрор, градация, архаизм, шева, терминлар* ва б.) ва грамматик услуб воситаларини (равон, содда ва таъсири жумлаларни ишлатиш диалог, инверсия, элипсис, мувозийлик, идиома, фразеология, эвфемизм) ўз асарларида кенг қўллайди ва юқорида кўрсатилган илмий мақолаларида бу услубий воситаларнинг баъзиларига алоҳида тўхталиб ҳам ўтади.

Буюк адиднинг тили ва услуби катта ва мураккаб муаммо бўлиб, бу соҳа кўпгина илмий тадқиқот ишларини олиб боришни талаб этади.

*Абдугафур РАСУЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор*

БИОГРАФИК МЕТОД ВА ОЙБЕК ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

1. Санъаткор борки, ўз асарларида кўрган-кечирганларини, таниган-билганларини акс эттиради. Биографияга оид материаллар асарнинг ҳаётйлигини, ҳаққонийлигини аниқ кўрсатиб туради. Адабиётшуносликдаги биографик методнинг асосчиси француз олимни ва ёзувчи Шарль Сент-Бёвдир (1804-1869). Назария, метод амалда жорий этила борилсагина ҳаётий, тириkdir. Сент-Бёв методининг ҳаётий зарур эканлиги Андре Моруа, Мишель Монтень, К. Федин, И. Гарин эссе, хотираларида тўлиқ исботланган. Париж Жарроҳлар академиясининг аъзоси, Озарбайжон университетлари Миллий академиясининг фахрий аъзоси Жавод Ҳайъат «Адабиётшунослик» (Баку, «Илм», 1996) асарида Шарль Сент-Бёвнинг биографик методи хусусида алоҳида тўхталинади.

2. Адабиётшуносликдаги биографик метод оддий китобхондан кўра мутахассисга - бирон санъаткор ҳаёти ва ижоди билан шугулланувчи адабиётшуносга зарурдир. Ёзувчи Ойбекнинг руҳий ҳолати, асарларидаги биографик ўринларни тушуниб етишда Зарифа Сайдносирова, Наим Каримов, Матёқуб Кўшжонов, Бахтиёр Назаров, Ҳомил Ёқубов, Раъно Иброҳимоваларнинг асарлари қимматлидир. Мана шу мутахассислар Ойбекнинг ижодий жараёнини, характеристики, ҳаётий материаллардан фойдаланиш йўсини, турли тиллардаги ҳолатини кўрсатиб берганлар. Айниқса проф. Наим Каримовнинг «Ойбек» (1985), «Илҳом чашмасининг ажиб мавжлари» (1982) сингари китоб, рисола ва ўнлаб мақолаларида Ойбекнинг биографияси, асарларининг яратилиш тарихи, адабий характерлар прототиплари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. 1979 йилда проф. Л. Қаюмов ва Р. Иброҳимова тўплаган хотиралар китоби чоп этилган бўлиб, ундан Ойбекни шахсан кўрган-билган, мулоқотда бўлган

38 нафар қалам аҳлининг мақолалари босилганди. Н. Каримов ҳар бир мақола-хотириани синчилаб ўрганган, унинг Ойбек биографиясини ўрганишдаги аҳамиятини кўрсатиб берган.

3. Ўзбек адабиётунослигига хотира-китобларни чоп этиш яхши анъанага айланган. Лекин айрим хотира-мақолаларни ўқиб ҳис-ҳаяжон, бирор асар воқеасини сўзлаб бериш, унча аҳамиятли бўлмаган оний учрашув тафсилотини кўрсатишдан бошқа нарсани топа олмайсиз. Ваҳоланки, чин хотира – китобхон, бадий асар ва ёзувчи орасидаги олтин кўприк. Хотираларда ёзувчи руҳияти ички драмаси, асарларнинг яратилишига туртки бўлган омиллар ҳақида ишонарли маълумотлар бўлиши зарур. Ёзувчи ҳам, унинг замондошлари ҳам ўтиб кетади. Лекин хотираларда тасвирланган маълумотлар, ёзувчи, асар ҳақидаги оҳорли фикрлар мангу қолади.

Ёзувчи биографиясини, асарлари, адабий қаҳрамонлари тарихини билиб олишда адабий-бадий лавҳа, эsselарнинг аҳамияти муҳим. Китобхон Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Fafur Fулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Усмон Носир ҳақида кўп маълумотга эга. Чунки бу санъаткорлар ҳақида Наим Каримов, Ҳабибулла Қодирий, Адҳам Акбаров, Озод Шарафиддинов, Отаёр эссе-китоблар ёзишган.

4. Ойбекнинг нафақат ҳаёт йўли, аҳвол-руҳияси ҳақида, балки у яратган адабий қаҳрамонлар ҳақида ҳам қизиқарли маълумотларни Н. Каримов ёзган. Унинг Йўлчи Иброҳимов (Йўлчининг ҳаётдаги прототипи), Қурбон Ўлжабоев («Куёш қораймас»даги Бектемир прототипи), «Олтин водийдан шабадалар» романни қаҳрамонлари прототиплари ҳақидаги фикрлари ҳам илмий-бадий жиҳатдан қизиқарлидир. Н. Каримовнинг «Ойбек», Озод Шарафиддиновнинг «Абдулла Қаҳҳор», Ҳ. Қодирийнинг «Отам ҳақида» китобларида адабий қаҳрамон, унинг ҳаётдаги прототипи ҳақида яхши маълумотлар борки, менинг ўйлашимча, «Адабий қаҳрамонлар тақдири» номли китоб тайёрлаш фурсати етгандай туюлади. XX аср ўзбек адабиётида не-не баҳслар, талқинлар бўлмади, дейсиз?! Ойбекнинг «Кутлуг қон», «Навоий» романлари ҳақидаги баҳсу ҳар хил талқинларнинг ўзи ҳам алоҳида китоб бўлади. Бу фикрлар бевосита ва бавосита биографик методга бориб тақалади.

5. Биз ушбу тезисимизда «Кутлуг қон» романнинг ёзилиши, унда тасвирланган жой, боғ ҳовли, шийпон ҳақида қисқагина тўхтадамиз.

«Кутлуг қон» романни яратилган маскан, фасл ҳақида бир қанча манбалар мавжуд. Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган санъат арбоби, драматург ва режиссер Рихсивой Орифжонов («ЎзМЭ», 6-жилд, Т: 2003 йил, 566-бет) 1978 йилда «Кутлуг қон» ёзилган қишлоқ, ўша пайтдаги шароит ҳақида сўзлаб берган эди. Р.Орифжонов (1926-1979) асли Юнусободнинг Оқота мавзесидан эди. Ойбек шу қишлоқдан бир боғ сотиб олади. 1938 йилда Рихсивой ака 12 ёшли бола эди. «Боғ, шийпон, ёзнинг қисқа тунини ёдга олар эканман, 1938 йилнинг ёз ойлари кўз ўнгимда жонланаверади. Ёз кечалари Ойбек боғидаги шийпонда керосин лампа алламаҳалгача ёниқ туради. Қоп-қоронгу кеча. Тун осойишталигини чирилдоқларнинг овози, ҳақкушнинг қичқириғи сингарилар бузуб туради. Ойбек шийпонидаги чироққа тикилиб ёттанимча уйқуга кетардим. У вақтларда электр, радио, жингироқли соат қаёқда, дейсиз?! Ойбекнинг чироги ўчиши билан қишлоқ одамлари гимирлаб қолишарди. Кексалар бомдод намозга таҳорат олар, бозорчилар от, эшакни аравага қўша бошлар, яна кимлардир ўз юмушларига банд бўлардилар. Кундуз кунлари мол боқиб юарканман, бирорта овлоқ, салқин жойда китоб ўқиб ўтирган Ойбек домлани кўриб қолардим...», деб хотирлаган у.

Н. Каримов “Ойбек” китобида ёзади: “Адабнинг айтишича, у романни қисқа муддатда – саккиз-тўққиз ой мобайнида ёзиб тугатди. Бу 1938 йилнинг ёз ойлари эди».

Миркарим Осим худди шу даврни эслаб, ёзади: “Мен якшанба куни Ойбекни йўқлаш учун унинг Оқтепадаги боғига бордим. Кўрғонча эшигини тақиллатган эдим, Зарифахоним чиқиб, мени ичкарига таклиф қилдилар.

- Ойбек шу ердами?
- Ҳа, шу ерда. Лекин ҳали уйкудан тургани йўқ.
- Ие, соат бир бўлди-ку. Кечаси иккида ёттан бўлса ҳам, уйқуга тўйиши керак эди.

- У кўпинча соат уч-тўртгача шийпонда ўтириб ишлайди. Энди турадиган вақти бўлди, киринг ичкарига. - Зарифахоним айвондаги хонтахта устига дастурхон ёзиб, бир чойнак чой келтириб кўйдилар” (93-94 бетлар).

6. Зарифа Сайдносирова “Ойбегим менинг” (Т., “Шарқ”, 1994) хотира-китобида 1934 йилда Тахтапул ва Юнусобод мавзелари ўртасидаги Оқота деган жойдан (ҳозирги Гуломмаҳмуд Абдуллаев маҳалласи, аввалги “Ворошилов”, “Карл Маркс” колхози идорасининг

атрофии - А.Р.) боғ ҳовли сотиб олганликлари, бу жой Ойбекка ниҳоятда маъқул бўлгани ҳақида ёзади. Муаллиф бояннинг кўринишини тиник тасвиirlайди: "...боқа торгина боғ кўчадан кичкина бир эшикча орқали кириларди. Эшикдан бошланган якка йўлнинг ўнг томонида катта ҳовуз, атрофида қизил олма оғочлари терилган... Сўл томонда бир танобча келадиган бедазор... Ҳовуздан кейин - қўргон: унда бир уй ва бир айвон бор. Қўргон орқаси ва бедазордан бошлаб 18 ишком узум: чарос, қора кишмиш, даройи, соҳиби, ҳусайнини, нимранг ва ҳоказо. Беда атрофида олма ва шафтоли оғочлари. Шафтоли май ойидан бошлаб пиша бошлиайди. Навлари жуда кўп... 1934 йилдан 1939 йилнинг кузига қадар ҳар ёзни шу боғда ўтказдик" (154-бет).

Зарифа Сайдносирова бояни таърифлаб, яна ёзади: "Ойбек Чимёнда ишлаётган кезларда, унинг дадаси билан маслаҳатлашиб, қўргондаги уй ва айвон устига катта шийпон қурдирдик... Шийпон жуда кўркам. Боғ томондаги дараҳт навдалари шийпонга шундоққина тўкилиб туради. Улар гуллагандан, мевалари пишганда эса кўркини кўриб, кўзингиз тўймайди. Айниқса, кечалари, ойдиндаги манзаранинг гўзаллиги кўнгилларимизни ором ва нашъа билан тўлдиради (155, 156-бетлар).

"Кутлуғ қон" романини ўқий бошлаганингиз ҳамон Ойбек суйган боғ тасвирини кўрасиз: Мирзакаримбой "бояннинг ташқарига қаратилган кичкина эшигига кирди. Йўлчининг қўзига "жаннатдай" катта боғ манзараси очилди, томоша қилиб, кекса тоғанинг орқасидан юраверди. Орасидан Кўқон арава бемалол юрадиган кенг, узун ишкомлар икки танобдан мўлроқ ерни ишғол этган. Кўм-кўк ток барглари эрталабки қуёшда жилваланади. Бояннинг тўрт томонини ўраган баланд, янги пахса девор бўйлаб шафтолилар ўсади..." (Ойбек. Асарлар. 10 томлик. З-том, 21-бет). Ойбек ўз боғидаги бедазорни ҳам унугмаган: "Улар пича юриб, тўрт-беш таноб жойни ишғол этган бедазорга чиқиши.

- Мана бедам! - кўлини белига тираб, кўзи билан узоққа ишорат қилиб деди Ёрмат. - Ҳафсалангиз бўлса, беданани шунда тутингда.

- Йўнгичқа сизникими? Ёш экан ҳали, жуда бақувват ўсибди. - Ёрматга қараб деди Йўлчи" (16-бет).

"Зарифаҳоним тархини чизган, Ойбекка жуда ёқсан шийпон кўринмаяптими," дейсизми. Мана, ўша машхур шийпон: "Ёз кечаси

қисқа. Йўлчи бир чимдим ухлаб, бегона жойга ўрганмаганиданми, кўзини очаркан, тонг отган эди. Ҳаво салқин ва тоза. Үнда-мунда кушлар сайрайди. Йўлчи ўрнидан турди, ариқда юз-қўлини ювиб, ташқари саҳнида бир оз кеъди. Мехмонлар шийлонда шоҳи, атлас, адрес кўрпаларда, бошларини оппоқ ва юмишоқ ёстиқларга кўмиб ухлайдилар... Майн тонг шабадаси ранг-баранг гулларни секин тебратиб, атиrlарини ҳар ёққа сочади” (18-бет).

7. Ойбек «Кутлуг қон» романида Мирзакаримбой богини бекаму кўст, гўзал тасвирлайди. Чунки боғ Ойбекка ниҳоятда жонли, қадрдон эди. Бадиий асарда нимаики тиниқ, ишонарли тасвирланган бўлса, билингки, санъаткор ўша нарсани (кимсани, воқеани) кўрган, билган, ҳис қилган. Биографик метод асар руҳини, онтологик имкониятни белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

**Уммат ТЎЙЧИЕВ,
филология фанлари доктори**

ОЙБЕКНИНГ ШЕЪР ТУЗИЛИШИ

1. Ойбекнинг шеър тузилиши ижодкор таваллудининг юз йиллиги юбилейи муносабати билан илк бор маҳсус текширилди, илгари турли манбаларда бу масалага йўл-йўлакай ё қисман тўхтаб ўтилган. Шоир «Муқаммал асарлар тўплами»нинг дастлабки тўрт томи текширишга асос бўлди. Ойбек шеърлари бармоқ ва аруз шеър тизимларида ёзилган. Етакчи шеър тизими унинг учун бармоқдир. Мазкур томларда курсатилишича, шоирнинг ҳамма шеърлари 507 та, поэмалари эса 18 тадир. Ойбек поэзиясида бармоқнинг бешликдан ўн тўққизликкача бўлган туркумлар ишлатилганligини айтиш керак. Бу сира ичida ўнеттилик ва ўнсакклизик туркумлар учрамайди. Демак, ўнчута туркумдан фойдаланилган, ўнтўққизлик туркум унинг таржималарида ҳам дуч келади. Энг кўп ишлатилган туркум ўнбирликлар; у 174 та шеърда мавжуд, бош вазни 6+5 дир. Шоир поэзиясида анча салмоққа эга бўлган учта туркум бор, бири еттилик бўлиб, у 74 шеърда дуч келади, унинг 4+3, 3+4 вазнлари бор. Бири тўққизлик туркум бўлиб, унинг 3+3+3, 4+5 вазнлари иш кўради, бу охирги вазн 57 шеърда кўлланилган. Бири сакклизик туркум бўлиб, унинг 4+4, 4+2+2 вазнлари бор, улардан биринчиси 36 та шеърда

дуч келади. Қўшма вазннинг 6/5, 7/5, 8/6, 8/7, 8/5, 10/5, 12/5 туркумлари бор, энг кўп ишлатилгани 6/5, 7/5, 10/5 дир.

2. Ойбек 20-йилларнинг бошида эркин вазнда (сарбаст жанрида) ёзди («Товушим», «Уйғон»), унинг бу соҳада ўндан ортиқ шеър ёзгани маълум. У бармоқ шеър тизимининг содда, қўшма ва эркин вазнлари соҳасида Чўлпон, Фитрат анъаналарини Faфур Fулом, Ҳамид Олимжон, Уйгун, Шайхзода ва Миртемирлар билан бирга давом эттириди. Ойбек ғазални бармоқ тизимида ёзишда Аҳмад Яссавий анъаналари изидан борди. Унинг «Она сўзи» ғазали бунинг далилидир. Бу ғазал 7+7 вазнида ёзилди. Ойбек аruz тизимида ўнга яқин шеърлар ёзди. Бу ҳол 1927 йилдан бошланди. У шу йили «Ёр қолди», «Темир», «Уни қидириб» (1928) шеърларини битган, улар арузининг ҳазаж баҳрига мансуб. «Ўзбек адабиётида соф ўзбек тили билан аruz йўлини ишлатиш керак», деган шоир ўзи ҳам бунга риоя қилганлиги унинг арузда ёзган шеърларидан яққол билиниб туради.

3. Маълумки, 20-йиллари баъзи адабиётчилар ўртасида арузга қарши, айни ҳолда, гоҳо бармоқ тизимиға қарши ҳам «фитна» уюштирилган эди. Бунда туркияллик баъзи чала шеършуносларнинг таъсири йўқ эмасди. Улар аruz четдан келган, туркий тилга мос эмас, аruz ва бўғин тизими эскирди, янги шеър тизимларини яратиш лозим, дер эдилар. Улар эркин вазн (сарбаст)ни янги вазн деб билдишлар. Ваҳоланки, дунёдаги мавжуд силлабик (бўғин), силлабик-тоник (бўғин-урғу), тоник (урғу) ва квантитатив (чўзиқлиқка суюнадиган) шеър тизимларини барча миллий тиллардаги поэзияларда ҳам, баъзи ислоҳотлар орқали ишлатиш мумкинлиги бутун жаҳонда аллақачон исботланган. Аруз анъанавий ҳодисадир. Ойбек бу даврда арузда ҳам, бармоқда ҳам ёзаверди. Бу жиҳатдан у тўғри йўл тутганилиги кўриниб турибди, чунки ҳар қандай таълимотнинг тўғри ё нотўғрилигини амалиёт (практика) кўрсатади, аruz назарияси ўзбек тили ва поэзияси учун тўла мос, миллий шеър тизими эканлигини кўп асрли ўзбек мумтоз шеърияти тасдиқ қилиб берган. Араблардан бизга аруз тизими эмас, балки аruz назарияси ўтган, аruz (нугқ товушлари ва бўғинларнинг қисқа ва чўзиқлигига асосланган шеър тизими) туркий халқларда синкетизм ҳодисаси сифатида қадимдан мавжуд эди.

4. Қофия назариясига кўра, 25 та қофия тури бор. Мураккаб радифли ва мазидли қўшимчали қофия, мураккаб радифли ва нойирали қўшимчали қофия, таъсисли ва нойирали қўшимчали қофия каби уч қофия тури Ойбек поэзиясида йўқ. Бу ҳол Ойбек яшаган

даврда ўзбек қофия назарияси араб-форс қофияси назарияси асосида ишлаб чиқилмаганлиги билан ҳам алоқадор. Ойбек қофиялари кутилмаган тарзидир. Ойбек қофиялари турли товуш такрорлари билан ўзига хос уйғунликда мазмуннинг яхши ифодасига мос ҳолда муносиб янгроқлик ҳосил этади.

5. Ўзбек поэзиясида банд тартиби (строфика) иккилиқдан тортиб йигирмаликдан ҳам ортувчи банд турларига эга. Ойбек строфикасида учта хусусият бўртиб туради. **абаб** кўриниши 237 шеърда қўлланилган. Иккинчиси шуки, баъзи шеърда иккилиқ ва тўртлик каби бир неча банд турлари ишлатилаверади, буни турли бандли жанр деб аташга келишилган, бундай шакл 98 та асарда бор. Шоирнинг 9 та достони шу шаклда яралди. Учинчиси шуки, Ойбек тўртлик банд турини 107 та асарда ишлатди, бу анча кўп кўрсаткичdir. «Кизлар» поэмаси **абабвѓгдд** ўнлиги билан ўзига хос тус олди. «Евгений Онегин» таржимаси **абабвѓгдеедёё** ўнтўртлигини бизга ҳадя қилди. Ойбек илғор ғояларга муносиб, ўзига хос шеър тузилиши ва шеърий шакл бунёд қилди ва у ўзбек поэзиясини хилма-хил оҳангдошлиқ ҳам турли хушоҳанглик жиҳатидан янада бойитди.

МУНДАРИЖА

| | |
|---------------------------------------------------------------------|----|
| <i>Наим КАРИМОВ, филология фанлари доктори</i> | |
| ОЙБЕКНИНГ XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРАҚҚИЁТИ ТАРИХИДАГИ ЎРНИ..... | 3 |
| <i>Бахтиёр НАЗАРОВ, академик</i> | |
| ОЙБЕК ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ..... | 6 |
| <i>Собир МИРВАЛИЕВ, филология фанлари доктори</i> | |
| ОЙБЕК – РОМАННАВИС | 10 |
| <i>Умарали НОРМАТОВ, филология фанлари доктори</i> | |
| АДИБНИНГ УНИВЕРСИТЕТ ДАВРИ ИЖОДИЙ ТАФАККУРИДАГИ ЭВРИЛИШЛАР | 13 |
| <i>Иброҳим ҲАҚҚУЛ, филология фанлари доктори</i> | |
| ОЙБЕК – НАВОЙЙШУНОС | 17 |
| <i>Нўймон РАҲИМЖНОВ, филология фанлари доктори</i> | |
| ОЙБЕК ШЕЪРИЯТИДА ГЎЗАЛЛИК КОНЦЕПЦИЯСИ | 19 |
| <i>Н. ВЛАДИМИРОВА, доктор филологических наук</i> | |
| АЙБЕК – ПЕРЕВОДЧИК | 22 |
| <i>F. МҮМИНОВ, филология фанлари доктори</i> | |
| ОЙБЕК ВА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ | 25 |
| <i>Ғани АБДУРАҲМОНОВ, академик</i> | |
| ОЙБЕК АСАРЛАРИНИНГ ТИЛИ ВА УСЛУБИ ҲАҚИДА | 28 |
| <i>Абдугафур РАСУЛОВ, филология фанлари доктори, профессор</i> | |
| БИОГРАФИК МЕТОД ВА ОЙБЕК ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ | 32 |
| <i>Уммат ТЎЙЧИЕВ, филология фанлари доктори</i> | |
| ОЙБЕКНИНГ ШЕЪР ТУЗИЛИШИ | 36 |

Босишига рухсат этилди 18.05.2005. Қоғоз бичими А5. «Бизнес» көғози.
«Таймс» гарнитура. Ҳисоб-нашриёт т. 1,9. Шартли босма т. 2,5. 150 нұсха.

ҮзР ФА Ишлар бошқармаси кошидаги кичик босмахонасида чоп этилди.
700047, Тошкент, Я. Ғуломов күнасы, 70.